

Дунёнинг Илмий Қиёфаси Экологик Тоифа Сифатида

Мурадов Шухрат Одилевич¹, Шакирова Зарина Рустам қизи²

Шу кунгача ёзилган экологияга доир китобларимизга асосланиб (Мурадов Ш.О. ва бошқа., 2001, 2002, 2005, 2006, 2016, 2022), «мафкуравий» соҳада бир неча тушунча ва таклифларни айтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Мулоҳазали ўқувчи, у талабами ёки тажрибали олимми, биз тайёрлаган Экология фанидан китобларимиз, бошқа ҳудди шунга ўхшаган ишлардан таркибли, берилаётган малумотларнинг илмий йўналиши билан фарқ қилишини пайқаб олиши қийин эмас. Бу энг аввало муаллифнинг ҳар бир инсон ва жамият ҳаётида экологиянинг аҳамияти алоҳида муҳимлигини таъкидловчи фикрларида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча айнан экология ҳозирги кунда инсоннинг барча турли - туман билимларини яхлит бир бутунликка келтириш, ноосферанинг назарий пойдеворини куришга қаратилган соҳасида супер фан яратишга яқин турибди. Шунинг учун ҳам биз турдош соҳаларга, гоҳида эса илмий фанларнинг экологиядан анча йироқларига ҳам мурожаат қилишни лозим топдик.

Қайд этилганидек, биз экологияни соллар сузиб юрган дарёга, экологларни эса биотик навигаторга тенглаштирдик (расм). Инсоният ҳам худди шундай навигатор бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқув адабиётларни ёзиш жараёнида биз фойдаланган олимларнинг фикри, келтирилган сўзлари ва далилларни таҳлил қилинишида зарур бўлган мулоҳазалари айниқса муҳимдир.



Расм. Экологиянинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги
(Бертюкс ва Рад китоби асосида)

¹профессор, тех. ф. д., Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Геология ва кончилик иши факультети Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси

²Талаба, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Геология ва кончилик иши факультети Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси кафедраси



Илмий - техник таракқиётнинг асосини яратган кашфиётларнинг муаллифи буюк физик Э.Резерфорд 1936-йилда шундай деб ёзган эди: «Фан қадам-бақадам олға интилади, ҳар қандай одамнинг меҳнати унинг ажодлари меҳнатига боғлиқдир. Агар сиз очик ҳавода чакин чакнагандек кутилмаган кашфиёт ҳақида эшитиб қолсангиз, ажабланманг, бу бир одамга иккинчисининг таъсири натижасида юзага келганига ишонинг ва айнан шу ўзаро таъсир фан ривожланишининг ўзига хос имкониятларини юзага келтиради. Олимлар муваффақияти алоҳида инсон ғояларига боғлиқ бўлмасдан, бир муаммо устида фикрловчи умумлашган минглаб одамлар донишмандлигига боғлиқ бўлиб, ҳар бир одам бу кўрилаётган улкан билимлар кошонасига ўз ҳиссасини қўшади» (17-б.).

Бу сўзлар мавқеининг аниқлиги ва тўлиқлиги билангина бугун бизнинг эътиборимизни жалб этиши мумкин, холос. Агар минглаб изланувчи ва кашфиётчиларга нисбатан бу сўзлар адолатли бўлса, ўз умумий уйи - она сайёрасини сақлаш ва яхшилашга ҳаракат қилаётганлар учун юз карра адолатлидир.

Экологиянинг супер фан эканлиги ғоясига қайтамыз. Илгари бунга фалсафа (натур (табиат) фалсафа) талабгор бўлган эди. Кейинчалик бундай талабгорлар сони анча ошди: аввал физика, кейин космогония, биология. Лекин бу фанларнинг биргаликдаги битта «жамчилиги», бир томонлилик, чегараланганлик кузатилади.

Ҳақиқатан ҳам физика органик ҳаётга боғлиқ бўлмаган ҳолда фақат ноорганик материя қонунларини ўрганади, аниқроғи, бунда физик қонунлар объектив мавжуд бўлиб, тирик мавжудотлар бор ёки йўқлиги аҳамиятга эга эмас. Космогония (ҳамда релатив физика) бизнинг материя, унинг хусусиятлари ва энергияси ҳақидаги билимларимизни тўлдирган ҳолда фазо ва вақт ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигига кўпроқ эътибор қаратади. Бу эса ҳаёт мавжудлигига боғланмайди (Абу Али Ибн Сино ва Жордано Брунодан бошлаб, бизнинг галактикамизга ўхшаш ҳамда ақлли мавжудотларга тўла дунёнинг чексизлиги ҳақида фикрлар билдирилган бўлса ҳам). Бу фикрларга кушимча, буюк америкалик математик Н.Винер (1894-1964) таъкидлаганидек: “Аниқ формулаларни мураккаб бўлган масалаларнинг ечилишида қўллаш, алдов ва вақтни беҳуда ўтказишдан ўзга нарса эмас”. Таникли рус биологи А.А.Малиновский (1909-1996) куйдагича ифодалаган: “Агарда математика масалани еча олмаса, уни фақатгина тўғри тузилган савол орқали ҳал этиш мумкин”.

Биология бўлса ўз навбатида бутун эътиборини тирикликга қаратиб, физик ва космик тузувчиларни эътиборга олмайди. Ҳақиқатан ҳам биология ва геологиянинг, биология ва физиканинг ва ҳоказоларнинг қўшилишидан янги фанлар (палеонтология, биокимё, биофизика ва б.) пайдо бўлди. Улар қисқа йўналишларга эга бўлиб, дунёнинг умумий манзарасини ифодалай олмайди. Бунинг устига улардан баъзи бирлари бизнинг хотирамизда “сохта фанлар” сифатида қолди. Масалан: Марсда ҳаёт мавжудлигини “илмий” асослаган астробиология каби.

Фақатгина экология муҳит ва организмларни, фазо ва тирикликни, коинот ва вақтни, биотоп ва эволюцион жараёнлар сифатида органик бирлаштириб, улар орасидаги мураккаб боғлиқликни очиб бера олади. Бунга эса «инсон - табиат подшоҳи» деган тушунчадан келиб чиқиб эмас, балки табиий ҳолда кишилик жамияти ва жамият муносабатларини биологик-экологик асосда, кўриб чиқувчи инсон экологияси киради. Экология, ижтимоий - иқтисодий қонунлар мустақил, инсон атрофини ўраб турган табиий муҳитга боғлиқ эмаслигини ўқитади, улар биологик - космик асосда пайдо бўлган ҳодисалар деб ҳисоблайди.

Юқорида бир неча марта қайд этилганидек, анъанавий тарзда экология организмларнинг ёки улар жамоасининг яшаш муқити ҳамда ўзаро муносабатлари ва уларнинг ҳаётий фаолияти қонуниятлари ҳақидаги фандир. Бироқ организмларнинг муҳит билан ўзаро таъсирини амалий жиҳатдан организмларни ҳам, яшаш муқити қонуниятларини ҳам чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан туриб тўғри тушуниб бўлмайди.

Шундай қилиб, фан сифатида экологиянинг объекти бир томондан физиология, биохимия, генетика каби билимлар соҳаларига, иккинчи томондан табиий илмий фанлар (гидрология,



геология, география, метеорология, геохимия, космогония ва бошк.) га чуқурроқ кириб боришни такозо этади.

Бу қарама-қаршилиқни ҳал этиш борасида экология ўзининг асл биологик доирадаги чегарасидан чиқиб, ҳозирги кунда дунёни илмий тушунишнинг кенг, супер фан тимсолига айланиб бормоқда. Биз хўжайралар, организмлар ва уларнинг яшаш муҳитига (кенг маънода) катта эътибор беришимиз сабаби ҳам шундадир.

Таъкидлаш жоизки, экология экотизимларда модда ва энергия айланишини, унинг фаолиятини, яъни глобал экотизим бўлган бутун биосферани қамраб олади. Муаллиф, фанга ва умумий экология муаммоларига ноанаънавий ёндашуви, юқори сифатли билиш даражада ривожланишига ёрдам беради деб умид қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Валиконис Г.Ю., Мурадов Ш.О. Основы экологии Т.1. Общая экология Кн.1. Т.: Мехнат, 2001. -328 с.
2. Мурадов Ш.О. Основы экологии Т.1. Общая экология Кн.2./Под общей ред. Г.Ю.Валукониса – Т.: Чинор ЭНК, 2006, -391 с.
3. Мурадов Ш.О., Валиконис Г.Ю., Мальгин О.Н. и др. Экология. ч.1. Общая экология. – Ташкент: Чинор ЭНК, 2002, -163 с.
4. Мурадов Ш.О. Мониторинг окружающей среды и актуальные вопросы экологии. Дополненное 2 изд./Ташкент: «Voris», 2013-176 с.
5. Мурадов Ш.О., Валиконис Г.Ю., Мурадов Ф.Ш. Экология. ч. II. Прикладная экология. – Ташкент: Чинор ЭНК, 2005-113 с.
6. Мурадов Ш.О. Экология. Карши: изд-во «Intellect», 2022. -376 с.
7. Бертокс П., Радд Д. Стратегия защиты окружающей среды. –М.: Мир, 1980, -660 с.

